

Дили*

Мен йигитимни 17 ёшимда учратдим. Биз бир-биримизга жуда ҳам яқин бўлиб қолдик. Бир-биримиз билан ҳис-туйғуларимизи ва орзуларимиз билан ўртоқлашар эдик. У жуда ҳам мулойим ва меҳрибон эди. Аммо кўп ўтмасдан мен унинг гиёҳванд эканлигини билиб қолдим. Ота-онам бундан қаттиқ ҳайратга тушишди ва у билан бошқа учрашишни маън қилишди. Мен эса биз биргаликда бахтли бўла олишимизга ишонар эдим. У наркотикдан қутила олмаётганлигини айтди ва мен унга ёрдам беришга аҳд қилдим.

Мен уни ўзи учун ва биз учун ушбу йўлдан қайтаришга ҳаракат қилдим. Кўпгина уринишлардан сўнг, бунинг иложи борлигини ўз мисолимда кўрсатишга аҳд қилдим. Мен дўконимизга келиб турадиган бир мижоз билан танишиб қолган эдим. У билан дўстлашиб қолдик ва мен унга ўз йигитим ва унга гиёҳвандликдан қутилишни ўз мисолимда кўрсатмоқчи эканлигимни айтдим. У эса менга наркотиклар етказиб бера бошлади. Аввалида наркотиклардан нафратланар эдим. Аста-секин, ўз ҳаётим ва йигим билан бўлган муносабатларни ўйлаб тушкунликка тушган кезларимда, наркотиклар менинг кайфиятимни кўтаришга ёрдам бераётганини англай бошладим. Аммо мен уларни яна кўпроқ қабул қилиб, йигитимга бундан қутилиш қанчалик осонлигини кўрсатмоқчи бўлдим.

Учрашувларимизнинг бирида йигитим мендаги ўзгаришларни сезиб қолди. У наркотик қабул қилаётганимни билиб қолди ва бундан қаттиқ ғазабланди. У бу ҳақида менинг ота-онамга айтиб бермоқчи бўлди. Мен эса, у ҳолда мени наркотикларга айнан у – йигитим ўргатган деб туриб олишимни айтдим. Мен йигитимга нега наркотикларни қабул қила бошлаганимнинг сабабини ва бундан биргаликда қутулишимизни айтдим. Унинг бундан қандай қутилаётганлигимни кўришини ва бунинг мумкин эканлигини англаб етишини истардим.

Бахтга қарши, кўп ўтмасдан, йигитимни гиёҳванд моддалар сотишда айблаб, ҳибсга олдилар ва қамадилар. Айти ўша дамларда ота-онам мендаги ўзгаришлардан шубҳалана бошладилар. Улар қонимни текширувдан ўтказишга мажбур қилдилар. Ҳайриятки, ҳаммаси яхши чиқди. Ота-онамга қандай муомала қилганимдан уялдим ва наркотик қабул қилишни тўхтатишга қарор қилдим. Шифохонада мен психолог билан учрашдим ва у мен билан наркотик қабул қилишни тўхтатиш дастури бўйича иш олиб бора бошлади.

Мен ҳали ҳам йигитимни соғинар эдим. У менга севги мактублари ва совғалар юборар эди. Мен эса унинг тезроқ озодликка чиқишини сабрсизлик билан кутар эдим. У менга гиёҳвандликдан халос бўлганлигини айтди. Мен у билан учрашувга бордим ва биз бир-биримизни кўриб жуда ҳам қувондик.

Бир оз муддатдан сўнг мен йигитим Тошкентга, шифохонага келганлигини эшитдим. У қамоқхонада яна наркотик қабул қилишни бошлаганини ҳам эшитдим. Онам клиникада махсус кўриқдан ўтишимни талаб қилиб туриб олдилар. Бу сафар ОИВ инфекциясини юқтирганим маълум бўлди.

Мен бу хабардан даҳшатга тушдим. Нима қилишни, кимга мурожаат қилишни билмасдим ва менга ёрдам берувчи ҳеч ким ҳам йўқ эди. Ўз жонимга суиқасд қилишни истардим. Шу хаёл билан онамдан пул сўрадим. Кўпроқ доза қабул қилиб, унинг натижасида ўлишга аҳд қилган эдим. Лекин, тан олишим керакки, онам доимо менга меҳрибон эдилар ва мени қўллаб-қувватлар эдилар. У киши менга умид бердилар. Онам ОИВ инфекциясига эга бўлган инсонларга ёрдам берувчи ташкилотни топдилар ва мени у ерга олиб бордилар. Мен у ерга киришга қўрқдим. Хаёлимда, кирсам, у ерда касалманд, ўлиб бораётган одамларни кўраман деб даҳшатга тушдим.

Аmmo у ерга боргач, у ердаги инсонлар менинг хаёлимдагидан мутлақо фарқ қилишини кўриб, ҳайратга тушдим. Улар худди мен каби эдилар. Улар ёмон инсонлар эмас эди, фақат уларнинг омади келмаган. Улар бу вабодан ўзларини ҳимоя қилиш учун етарлича билимга эга бўлмаганлар ёки бир мартагина хатога йўл қўйганлар холос. Мен бир йил давомида марказга қатнадим. У ерда ёрдам, маслаҳат ва маълумотларга эга бўлдим.

Кейин мен кўнгилли бўлиб ишлай бошладим. Ўзим каби тушкунликка тушган, ҳаётдан бутунлай совиб, ўзини ўлдиришни истаган инсонларга бу йўлдан қайтариб, ёрдам бера бошладим. Мен уларга янги ҳаёт бошлашга, ўзларини яхши ҳис қилишга, бахтиёр бўлишга ва тушкунликка тушмасликка ёрдам бераман.

Шу билан бирга мен бошқаларга ўзларини ҳимоя қилишга ёрдам бераман, токи бир куни улар шундай марказга мурожаат қилишга мажбур бўлиб қолмасинлар. Биз мактабларга ташриф буюрамиз, ёшлар билан суҳбатлар уюштирамиз, уларга ОИВ хавфи тўғрисида ва қандай қилиб ўзларини ҳимоя қилишлари мумкинлиги ҳақида гапириб берамиз. Бу иш жуда ҳам самарали. Улар биз билан бирга ишламоқчи эканликларини ва ҳаммага ОИВ тўғрисида маълумот бермоқчи эканликларини айтишади. Биз ОИВ инфекциясига эга бўлсак-да, ўз ҳаётимиз билан яшамоқдамиз. Худди бошқа барча инсонлар каби.

* Ушбу ҳикоя ҳаётдан олинган, фақат исмлар ўзгартирилган.